Инв. 178195

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 14 январь, шанба №7 (21.770.) Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН - ПОЛЬША:

ҲАМКОРЛИК МАСОФА БИЛМАЙДИ

Илгари хабар қилинганидек, 11-12 январь кунлари Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси расмий ташриф билан Польша Республикасида бўлди. Ташрифдан мақсад икки давлат ўртасида шаклланиб бораётган сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уни ривожлантириш, янги босқичга кўтариш эди.

Суратда: ҳужжатлар имзоланган пайт.

А. ИЛЁСОВ (ЎзА) олган сурат.

Польша Республикаси Президенти саройида Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовни кутиб олиш маросими бўлди. Икки давлат байроқлари билан безатилган сарой майдонида юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Польша давлат мадҳиялари янгради. Президент Лех Валенса Ислом Каримовни Польша заминига ташриф буюргани билан қизғин қутлади.

Шундан сўнг Президентлар муҳташам саройнинг мовий залига йўл олдилар. Бу ерда Ислом Каримов билан Лех Валенса ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳозир қай даражада?

Маълумки, республикамиз иттифоқ таркибида бўлган даврда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш имкониятига эга эмас эди. Тўғрироғи, бизда етиштирилган пахта, пилла, қоракўл каби маҳсулотлар, ер ости бойликлари бошқа мамлакатларга, шу жумладан Польшага ҳам собиқ марказ номидан етказиб бериларди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўнлаб хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйди. Ҳозир республикада чет эл сармояси иштирокидаги 1500 та корхона фаолият кўрсатаётир. 1994 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо оборoти 3 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди. Бу ёш мустақил давлат учун катта кўрсаткич. Хорижий фирма ва компаниялар-нинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазият барқарор бўлган Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Шу маънода, Польша Республикаси билан ҳамкорлигимиз натижалари ҳозирча камтаронадир. Чунончи, ўтган йили икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми 80 миллион доллар бўлгани, атиги 8 та қўшма корхона барпо этилгани бу борада фойдаланилмаётган имкониятлар кўплигидан далолат беради. Ўзбекистон ва Польша давлат раҳбарлари бошчилигидаги расмий делегацияларнинг Варшавада ўтказилган музокараларида ана шу имкониятларни ишга солиш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

Музокаралар сўнгида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Президентлар — Ислом Каримов ва Лех Валенса Ўзбекистон ва Польша Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Шунингдек, ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилувчи бир неча ҳужжат қабул қилинди. Улар орасида консуллик конвенцияси, фойдадан икки ёқлама солиқ олмаслик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, маданий ва илмий ҳамкорлик ҳамда икки мамлакат пойтахтлари орасида самолётлар қатновини йўлга қўйиш тўғрисидаги битимлар бор.

— Бугунги музокараларда муҳокама этилган масалалар ва қабул қилинган ҳужжатлар икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилади, — деди Лех Валенса журналистлар билан учрашувда. — Биз уларнинг амалга оширилиши учун барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланамиз. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон табиий заҳираларга бой, улкан иқтисодий имкониятлар мамлакатидир. Биз бу мамлакат билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз.

— Биз Польша тимсолида жиддий, қатъиятли ҳамкорни кўряпмиз, — деди Ислом Каримов — Ҳозиргина имзоланган ҳужжатлар муносабатларимизнинг ҳуқуқий асосини белгилаб беради, ўзаро ишончли ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлайди. Бугунги бизга бўлган самимий муносабатни, хайриҳоҳликни кўриб, дўстлигимиз, ҳамкорлигимиз яхши самара беришига қатъий ишонч ҳосил қилдим.

Учрашув ниҳоясида икки давлат раҳбарлари журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Польша иккинчи жаҳон урушида энг кўп жабр неккан мамлакатлардан биридир. Европанинг энг гўзал шаҳарларидан бири — Варшава уруш туфайли вайронага айланди. Фашизмга қарши курашда минг-минглаб польшаликлар қурбон бўлди. Шунинг учун ҳам бу ерда тинчлик, осойишталикни биздагидек қадрлашади. Уруш сабоғини ҳар қадамда ҳис этишади.

Президент Ислом Каримов пойтахтдаги Номаълум аскар қабрини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйди. Уруш қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов Польша парламентига ташриф буюрди. Мамлакат олий вакиллик органи фаолияти билан танишди. Польша парламенти икки палатали бўлиб, Сейм ва Сенатдан иборат. Сеймга — 460, Сенатга эса — 100 нафар депутат сайланади. Сейм маршали Ю. Олекси, Сенат маршали А. Струзик билан суҳбатлар чоғида давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда миллий давлатчиликни тиклаш, демократия тамойилларини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, яқинда парламентга илк бор қўппартиялик асосида ўтган сайлов ва унинг натижалари хусусида гапириб берди. Учрашувларда парламентлараро алоқаларни йўлга қўйиш зарурлиги, бу халқларимизни бирбирига яқинлаштиришда, ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ислом Каримов ўзига ажратилган қароргоҳда Польша Бош вазири Валадемар Павляк билан учрашди. Суҳбат чоғида савдо-иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Шундан сўнг меҳмонлар Варшаванинг диққатга сазовор масканларидан бири — тарихий ёдгорликлар мажмуи жойлашган Барбакан майдонини кўздан кечирдилар. Ислом Каримов XV—XVIII асрлар мобайнида бунёд этилган қирол қалъасининг осори атиқалари билан танишди. Ўзбекистон раҳбари қалъа фахрий меҳмонлари китобига имзо чекди. Шунисси диққатга сазоворки, Иккинчи жаҳон урушида вайрон этилган мазкур салобатли тарихий ёдгорлик урушдан сўнг асосан жамоатчиликнинг ташаббуси, ёрдами ва меҳнати билан асл ҳолига келтирилган. Бу ҳам поляк халқининг ўз тарихига, миллий қадриятларига нечоғли ҳурмат билан муносабатда бўлишини намоён этади.

Ташриф мобайнидаги деярли барча учрашувларда асосий мавзу —ислоҳотларнинг моҳияти, уни амалга ошириш йўллари хусусида бўлгани аҳамиятлидир.

Польшада иқтисодий ислоҳот — бозор муносабатларига ўтиш биздан бирмунча илгари бошланган бўлиб, «фалаж қилиб даволаш» назарияси ҳам шу ерда амалга оширилган. Ҳозирга келиб мамлакат иқтисодиёти бир қадар барқарорлашди. Ишлаб чиқариш ҳажми пасайиши тўхтатилди. Кейинги 1-2 йил мобайнида Польша иқтисодиётида барқарор ўсиш кузатилмоқда. Лекин ислоҳотларни амалга оширишда кескин чоралар кўрилиши турмуш даражасининг пасайиб кетишига сабаб бўлдики, бу ҳукуматнинг ислоҳотлар сиёсатига бир қанча «тузатишлар» киритишга мажбур этди. Бу ҳол мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишига эътибор берилаётгани катта аҳамиятга эга эканини тасдиқлайди.

Айни пайтда Польшада хусусий фирма ва корхоналар ўзини анча тутиб олган, улар ялпи миллий маҳсулотнинг ярмидан кўпини ишлаб чиқармоқда. Бу ўринда Польша илгаридан мустақил давлат бўлганини, «режали иқтисодиёт» бу ерда биздагидек чуқур илдиз отмаганини, хусусий мулк социализм даврида ҳам сақланиб қолганини эътибордан соқит қилмаслик керак.

Ҳозирга келиб ана шу хусусий корхоналар, фирмалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ўзига шерик изламоқда. Варшавада ташкил этилган «Шарқ клуби» ана шундай ишбилармонларни бирлаштирган. Клуб асосий эътиборни Ҳамдўстлик мамлакатлари билан фойдали ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга қаратмоқда.

Президент Ислом Каримов «Будимекс» компанияси қароргоҳида ана шу клуб аъзолари — Польша ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари уларга Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган муҳим ўрни, давлат тизими, иқтисодий салоҳияти тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Бизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти, ўзига хос жиҳатлари, хусусан, уларни амалга оширишдаги дастуруламал — машҳур беш тамойил ҳақида теран тушунча берди.

— Ўзбекистон, аввало, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан барқарор мамлакат, — деди жумладан Ислом Каримов. — Бундан ташқари бизда бозор муносабатларига ўтиш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг барча ҳуқуқий асослари яратилган, уни рағбатлантириш кўзда тутилган. Хусусан, чет эл сармояси иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналардан беш йил мобайнида солиқ олинмайди. Хомашёни қайта ишлаш, хусусан, енгил саноат, тўқимачилик, машинасозлик, тоғ-кон саноати, транспорт, алоқа тармоқлари соҳаларида сизлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятларига эгамиз.

Шуни таъкидлаш керакки, учрашув польшалик тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотди. Улар республикамиз раҳбарининг тўғри, очиқчасига айтган гапларини ғоят самимий қабул қилдилар. Ҳамкорлик тўғрисидаги 20 дан ортиқ таклифларни жамлаб, Ислом Каримовга тақдим этдилар.

Хуллас, Президент Ислом Каримовнинг Польша Республикасига расмий ташрифи самарали бўлди. Польшаликлар Ўзбекистон аталмиш ҳуқуқий демократик жамият қураётган, имкониятларга бой, холис ниятли мустақил давлатни қайтадан кашф этдилар.

Польша Республикаси раҳбари Лех Валенса Президент саройи майдонида Президент Ислом Каримовни расмий кузатиш маросими уюштирди.

Польша Республикасига расмий сафарида Президент Ислом Каримовга Бош вазир ўринбосарлари Ў. Султонов, С. Саидқосимов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

***

12 январь куни Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Республика Президентини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Аҳмад ХЎЖА (ЎзА).
Тошкент-Варшава-Тошкент

БУГУН – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ШАХСИЙ ТАРКИБИГА

Қадрли дўстлар! Сизларни қутлуг байрам — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан самимий табриклайман.

Ўлкамизда қадим замонлардан буён ёшу қари — ҳар бир эркак ўзини юрт ҳимоячиси деб билган, Ватан шон-шавкати ва мудофааси йўлида куч-ғайрати, ҳатто жонини ҳам аямаган. Она диёримизда бу анъана ҳозир ҳам изчил давом этмоқда, янгича руҳ ва мазмун билан бойиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мамлакат истиқлолини ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг осуда ҳаёти ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилишда, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ғоят муҳим урин тутади.

Сизларнинг қатъият ва шижоатингиз, ҳарбий маҳоратингиз туфайли хонадонимиз, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, кўнгиллар хотиржам. Сизлар давлатимизнинг тинчликсевар сиёсатини амалга оширишда алоҳида жонбозлик кўрсатяпсизлар.

Бу йил фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги кенг нишонланади. Сиз — ҳарбийлар ўша суронли жангоҳларда жон олиб-жон берган ота-боболаримизнинг ворислари бўласизлар. Ишонаманки, мард ва жасур аждодларимизнинг ўгитларига, тажрибаларига таяниб, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасизлар.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шахсий таркибини, уруш фахрийларини, ўзини Ватан ҳимоячиси деб билган барча юртдошларимизни байрам билан яна бир бор муборакбод этаман, Ватанимиз ҳимоячиларига тан-сиҳатлик, шарафли ва масъулиятли ишларида омадлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ БАЙРАМИ

Суратда: тантанали йиғилишдан лавҳа.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Пойтахтнинг ҳашаматли «Туркистон» саройи 13 январь куни ҳар кунгидан гавжум бўлди. Халқимизнинг қутлуғ байрамларидан бири — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали йиғилиш муносабати билан саройга республика Қуролли Кучлари офицерлари, аскар ва курсантлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари, хорижлик меҳмонлар ташриф буюрдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — мамлакат Қуролли Кучлари бош қўмондони Ислом Каримов ва ҳукумат раҳбарлари, Қуролли Кучлар генераллари, фахрийлари минбардан жой олдилар.

Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов йиғилишни очиқ деб эълон қилди. Мустақил давлатимиз мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири генерал-лейтенант Рустам Аҳмедов мамлакат Қуролли Кучлари ташкил топган куннинг уч йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Республика Президенти Ислом Каримов табрик нутқи сўзлади. Юртбошимиз мамлакат Қуролли Кучлари шахсий таркибини — курсант, аскар, зобит ва генералларни, уруш фахрийларини Ватан ҳимоячилари куни байрами билан самимий қутлади.

— Бугун юртимизда жуда катта байрам — Ватан ҳимоячилари куни нишонланмоқда, — деди Ислом Каримов. — Бу сана ғоят муҳим ва шарафлидир. Халқимиз илгаридан мард ўғлонларни тарбиялашга аҳамият берган ва уларни доимо эъзозлаган. Ўз ҳимоячиларига ишонган ва уларга ҳурмат-эътибор билан қараган. Сиз — ҳарбийлар мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдасиз. Озод Ўзбекистон ва унинг меҳнаткаш халқи Қуролли Кучларимиз салоҳиятига ишонади ва таянади. Юрт тинчлиги ва тотувлиги — энг катта давлат. Мамлакатимиз тинч бўлсин, бахт ва сиҳат-саломатлик доимо сизларга ёр бўлишини тилайман!

Ўзбекистон Президенти Фармонига биноан Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, ёш авлодга таълим бериш, уларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда фаол иштирок этгани учун ҳамда республика Қуролли Кучларининг уч йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги тизими хизматчи ва ходимларидан бир гуруҳи мамлакатимизнинг юксак мукофотлари — «Дўстлик» ва «Соғлом авлод учун» орденлари, «Жасорат» ва «Шуҳрат» медаллари, фахрий унвонлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Ислом Каримов ана шу мукофот ларни тантанали равишда топширди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан республика Қуролли Кучлари зенит-ракета қисми командири Рустам Толипов ўзларининг камтарин хизматларига берилган юқори баҳо учун Президент Ислом Каримовга чексиз миннатдорчилик билдирар экан, улар она Ватанимизга, унинг Президентига ҳамиша содиқ қолажакларини изҳор этди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Йиғилиш санъат усталарининг катта концерти билан якунланди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

1995 йил 13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси Қ. Аҳмедов бошқарди.

Мажлисда сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 11 ва 43-моддаларига мувофиқ, 1995 йил 8 январь куни 39 сайлов округида ўтказилган такрорий овоз беришнинг якунлари кўриб чиқилди.

Овоз беришда 1511667 киши иштирок этди. Бу кўрсаткич тегишли округларда сайловчилар рўйхатларига киритилганларнинг 88,3 фоизини ташкил этди.

Такрорий овоз беришда Тошкент шаҳридаги бешта сайлов округидаги рўйхатларга киритилган барча сайловчиларнинг 80,6 фоизи, Андижон вилоятидаги учта сайлов округида 94,6 фоизи, Наманган вилоятидаги еттита сайлов округида 93,7 фоизи, Бухоро вилоятидаги учта сайлов округида 85,1 фоизи, Самарқанд вилоятидаги учта сайлов округида 81,7 фоизи, Сирдарё вилоятидаги битта сайлов округида 95,1 фоизи, Сурхондарё вилоятидаги иккита сайлов округида 85,8 фоизи, Тошкент вилоятидаги олтита сайлов округида 87,5 фоизи, Фарғона вилоятидаги бешта сайлов округида 90,1 фоизи, Хоразм вилоятидаги иккита сайлов округида 93,6 фоизи, Қорақалпоғистон Республикасидаги иккита сайлов округида 82,6 фоизи иштирок этди. Такрорий овоз бериш натижаларига кўра 38 сайлов округида депутатлар сайланди. Шу жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — 13, Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партиясидан — 6, ҳокимият вакиллик органларидан — 19 депутат сайланди.

Барча 39 округ бўйича овоз беришда иштирок этган 1511667 сайловчидан 491230 киши ёки сайловчиларнинг 32,5 фоизи Халқ демократик партиясидан курсатилган номзодлар учун, 276055 киши ёки 18,3 фоизи «Ватан тараққиёти» партиясидан кўрсатилган номзодларни еқлаб овоз бердилар.

238-Университет (Қорақалпоғистон Республикаси) сайлов округида номзодлардан бирортаси ҳам сайловчиларнинг етарли миқдордаги овозини ололмаганлиги учун сайлов тўғрисидаги қонуннинг 43 ва 44-моддаларига мувофиқ 1995 йил 22 январь куни бу округда такрорий сайлов ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси тегишли округ сайлов комиссияларининг баёнларини кўриб чиқиб, сайлов тўғрисидаги қонуннинг 11, 43 ва 46-моддаларига мувофиқ тарзда такрорий овоз бериш натижаларига кўра Олий Мажлис депутатлигига сайланганларни рўйхатга олиш ҳақида қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссияси уз мажлисида 1994 йил 25 декабрида Олий Мажлисга ўтказилган сайлов ва 1995 йил 8 январда ўтказилган такрорий овоз бериш натижаларига кўра Халқ демократик партиясидан — 67, «Ватан тараққиёти» партиясидан — 12, ҳокимият вакиллик органларидан — 164 депутат сайланганини қайд этди.

Мажлисда такрорий сайлов ўтказиладиган еттита сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига Халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси ҳамда ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида комиссия вакилатлари доирасидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛАЙЛИК

13 январь куни Вазирлар Маҳкамасида эпидемияга қарши республика фавқулодда комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссиянинг 1994 йилги иш якунлари кўриб чиқилди. Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Журабеков бошқарди.

Соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов ўз маърузасида таъкидлаб ўтганидек, республикада эпидемиология вазияти назорат қилиб борилди, хавфли эпидемия касалликларига учраш ҳолати бирон марта ҳам рўйхатга олинмади. Шунга қарамай, деб таъкидланди мажлисда, 1995 йил ёзига қадар эпидемияга қарши хизматнинг пухта ва ишончлилигини янада оширадиган чораларни кўриш зарур. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Ўзбектуризм» мустаҳкам ҳамкорликда қўшни давлатлардан юқумли касаллик келтирилиши имкониятини истисно қилиш йўлларини ишлаб чиқдилар. Мажлис ишида Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

УКРАИНА РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон билан Украина халқлари, Қуролли Кучлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси ҳамда юксак ижрочилик маҳорати учун Украина Республикаси Қуролли Кучларининг ашула ва рақс ансамбли Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 13 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ, МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ, ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИ ХИЗМАТЧИ ВА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, ёш авлодга таълим бериш, уларни ватанпарварлик, дўстлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда фаол иштирок этгани учун ҳамда республика Қуролли Кучларининг 3 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ

Герман Сергей Владимирович — ҳарбий қисм командири;

Иноятов Рустам Расулович — Миллий хавфсизлик хизмати раисининг биринчи ўринбосари.

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ

Мелибоев Анваржон — Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиги.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ, МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ, ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИ ХИЗМАТЧИ ВА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУҚОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ

Алимов Раҳимжон Ҳакимович — Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари батальон командири;

Бухтеев Валентин Александрович — ички қўшинлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари;

Жўраев Шокир Зарипович — ҳарбий қисм командири;

Ибрагимов Илҳом Исмоилович — чегара қўшинлари ҳарбий қисм командири;

Икромов Рашит Маликович —ҳарбий қисм катта муҳандиси;

Исаченко Владимир Федорович — ҳарбий қисм артиллерия хизмати бошлиғи;

Матросов Александр Сергеевич — ҳарбий қисм бўлинма бошлиғининг ёрдамчиси;

Назиров Жалолиддин Абитович (марҳум) — Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг тезкор ходими;

Порохня Александр Викторович — ҳарбий қисм бўлинмасининг командири;

Строев Алексей Юрьевич — ҳарбий қисм командири;

Тожибоев Валерий Викторович — ички қўшинлар ҳарбий қисмининг командири;

Толипов Рустамжон Умарович — ҳарбий қисм командири;

Тошматов Ғафур — Ички ишлар вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи;

Тўлаганов Лазиз Содиқович — ҳарбий қисм командири;

Ҳамроев Абдикарим Фармонович — ҳарбий учувчи;

Ҳасанов Рустам Қурбонназарович — ҳарбий қисм командирининг ўринбосари.

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ

Ахметзянов Ахтям Камиярович — Мудофаа вазирлиги стоматология поликлиникасининг бўлим мудири;

Бибарсов Ҳамза Исҳоқович — Мудофаа вазирлигининг ҳарбий жамоа хўжалиги директори;

Володина Элла Павловна — Миллий хавфсизлик хизмати техник ходими;

Захаров Владимир Георгиевич — Тошкент гарнизони уй-жойлардан фойдаланиш қисмининг электр тармоқлари бўлим бошлиғи;

Шеин Борис Васильевич — ҳарбий қисм токари.

Қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ»

Тошматов Маъмуржон — Марказий офицерлар саройи катта йўриқчиси.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

Умеджонов Шуҳрат Ботирович — Мудофаа вазирлиги ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

Китаер Борис Исакович — ҳарбий муҳандис.

Ва қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Абдуллаев Бегали Суюнбоевич — ҳарбий қурилиш қисмининг қолипловчиси;

Акрамов Алишер Камолович — ҳарбий қисм командири;

Алимов Шавкат Азимович — ҳарбий қисм командири;

Горохов Николай Михайлович — Самарқанд олий ҳарбий автомобиль муҳандислари билим юрти бошлиғи;

Ломакин Тимофей Павлович — Марказий ҳарбий шифохонасининг урология бўлими ординатори;

Ниёзов Шуҳрат Ниёзович — Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти бошлиғи;

Зинатуллин Камиль Кашафович — ҳарбий қисм катта штурмани;

Обухов Юрий Александрович — Миллий хавфсизлик хизмати масъул ходими;

Петросян Завен Асланович — Мудофаа вазирлиги техник хизмати ходими;

Руденко Александр Васильевич — ҳарбий қисм командири;

Рустамов Фарҳод Маҳмудович — Сурхондарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи;

Сафаров Ғарибжон Имомалиевич — ҳарбий қисм командири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 11 январь.

Бугун - Ватан ҳимоячилари куни

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!»

«Мен... сўнгги нафасим қолгунча она-Ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққати ва қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга аждодларим руҳи олдида қасамёд қиламан!»

«Ҳарбий қасамёд»дан.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Жиззаҳдаги учувчилар тайёрлаш олий ҳарбий билим юртида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда вилоятдаги ҳарбий қисмларда ўз хизмат бурчини ўтаётган ёшлар, билим юрти курсантлари ва шаҳар жамоатчилигининг вакиллари иштирок этди.

Жиззах шаҳар гарнизони командири, ҳарбий билим юрти бошлиғи, генерал-майор Г.Абдурахмонов мамлакат Қуролли Кучларининг уч йиллиги тўғрисида йиғилишда маъруза қилди.

Йиғилишда бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

(ЎзА).

Анъана

ОЙ БОРИБ, ОМОН КЕЛ...

Ватанимиз шаҳар-қишлоқларида ўғлонларни ҳарбий хизматга кузатиш ва кутиб олиш билан боғлиқ янгича анъаналар русум бўлмоқда.

Бу борада Боёвут тумани мудофаа ишлари бўлинмасида ибратли ишлар қилинмоқда. Бу галги ҳарбий хизматга чақирилиш ва кузатиш маросимлари ҳам ўзига хос тантанага айланмоқда. Бу тадбир ХДП туман кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Ватан хизматига отланаётган ёшлар билан бир қаторда уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари ва ошна-оғайнилари ҳам ташриф буюришмоқда. Ҳатто ўғлонлар билим олаётган ёки ишлаётган жойлардан ҳам вакиллар иштирок этмоқдалар. Кўпчиликда яхши таассурот қолдираётган бундай ўзига хос анжуманларда жамоатчилик, ХДП ва бошқа ташкилотлардан намунали оилалар ҳамда ёшларга эсдалик совғалари топширилмоқда. Айниқса, бундай анъана хизматга отланган ёшларда она - Ватанга меҳр уйғотишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪТИРОФ

Шундай инсонлар борки, улар билан хамсуҳбат бўлганингда мағзи тўқ фикр-мулоҳазалари кўнгилнинг қаеригадир чўғ солганини ҳис этасан. Назаримда, командирнинг техника ишлари бўйича ўринбосари подполковник Бахтиёр Ниёзалиев ана шундай одамлардан. «Бахтиёр Анорматович сингари зобитларни Қуролли кучларимизнинг ифтихори, олтин заҳираси», дегим келади. Хизматдош зобитлардан А. Кочанов билан Ж. Фозилов подполковник ҳақида ана шундай илиқ гапларни айтишаётган бўлса, бошқалар ҳам унинг жасур, ишбилармон, айни пайтда одамохунлигини таъриф этадилар.

Хусусан, взвод командирлари — катта прапоршчик А. Мусаев, прапоршчик А. Банахов, взвод командирининг ўринбосари сержант Қ. Аимбетов, взвод бўлинмаси командири кичик сержант И. Янгибоев, катта ҳайдовчи оддий аскар С. Нурматов, ҳайдовчи-оддий аскар М. Олтмишев ва бошқалар Ниёзалиев қўл остида хизмат қилишаётганидан фахрланишади.

ТАНИШУВ

Бахтиёр Ниёзалиев 1951 йилда таваллуд топган. Мактабни битиргач, Тошкент умумқўшин командирлари олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирди. Орадан тўрт йил ўтиб, лейтенант унвонига эга бўлгач, ҳарбий қўшинлар гуруҳи таркибида Афғонистонда, Ховос тумани мудофаа ишлари бўлимида хизмат қилди. Ҳозирги хизмат жойига келганига ҳам 10 йилдан ошди.

Унинг кўксини иккита Қизил Юлдуз ҳамда Ватанга хизмати учун III даражали орденлари ва саккизта медаль безаб турибди. Собиқ Иттифоқ ва Ўзбекистон Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. «Парашют-десанти тайёргарлиги бўйича инструктор» гувоҳномаси бор. Тўрт фарзанднинг отаси.

ИХТИРО

Ҳарбий қисм билан шахсий таркибнинг дала ўқув машғулотлари ўтказиладиган жойгача бўлган масофа шаҳар оралаб борилса, ўн километрча келади. Табиийки, жанговар машиналарнинг занжирли ғилдираклари асфальт йўлга путур етказиши мумкин. Бундай ҳолатга шаҳар ҳокимлиги ва йўлсозлар эътироз билдиришлари аниқ. Бундан ташқари, зирҳли техника шовқини шаҳар аҳли тинчлигини бузади.

Жанговар машиналар шаҳар чеккасидаги йўл орқали ҳайдалиб, тактик машғулотлар ўтказиладиган майдон сари ҳаракат қилинса, оралиқ масофа кўпайиб, 30 километрга етиши мумкин. Хўш, ҳар иккала йўл учун сарфланадиган ёнилғини ҳисоблаб чиқайлик-чи.

Командирнинг техника ишлари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланган подполковник дастлабки ойлардаёқ ана шулар ҳақида ўйлади ва хомчўт қилиб кўрди. Бир неча занжирли техника бир йилда тўрт марта далага олиб чиқилса (қайтиши билан саккиз марта) уларнинг ҳар бирига ўртача 230,4 литрдан ёнилғи сарфланади. Бундан ташқари, аёзли кунларда яна қўшимча 10 фоиз сарф-ҳаражат бўлади.

Энди шу техника «Урал-4320» маркали машиналарда олиб борилса, бир йилда атиги 1080 литр ёнилғи сарфланаркан. Қадимдаги шароитида бунинг йўриғи мушкулроқ: ё пастқам чуқур жой изланади ё ғилдирак остига ғўла, ғишт териб қўйилади. Лекин униси ҳам, буниси ҳам техника ҳавфсизлиги қоидаларига зиддир.

Машинани ювиётганда ясама қўприкдан фойдаланишни шоферлар яхши билишади. Командир ўринбосари фойдаланилмайдиган темир-терсаклардан худди ана шундай мосламалар тайёрлатди. Унга ихчам ғилдираклар ўрнатилди. Ўзига хос бундай кўчма эстакада дала шароитида автомобиль техникасига хизмат кўрсатиш, созлаш ва текширишда қўл келмоқда.

—Фойдаланиш муддати тугаган битта кўтарма кранли машинамиз бор эди, — дейди Бахтиёр ака. —Ўйлаб қарасам, ундан зирҳли техника двигателлари ва оғир деталларни жойидан олиб таъмирлашда фойдаланса бўларкан. Алоҳида жой ажратиб, кранни бетон пойдеворига ўрнатдик. Уни электрда ишлайдиган қилиб, мослаштирдик. Ҳозир тугмачаларни боссангиз бас, оғирингизни енгил қилаверади.Ҳа, ишбилармондан иш қутулмас, деганлари шу бўлса керак. Буни тажрибали зобит Б. Ниёзалиев тимсолида кўриш мумкин. Зеро, булар подполковник ихтироларининг айримлари, холос.

Бахтиёр ака командирнинг техника ишлари бўйича ўринбосари бўлгани билан ҳамиша шахсий таркиб орасида. Жанговар, ижтимоий-сиёсий, техник, жисмоний ва бошқа тайёргарликдами, маданий дам олишдами — у ўзини жонажон қисмсиз тасаввур этолмайди. Жанговар зобит, ихтирочи командир, шахсий таркибнинг меҳрибон мураббийси Бахтиёр Ниёзалиевга она-Ватанга посбонлик қилишдек шарафли хизматида зафар ёр бўлсин, дегим келади.

КОМАНДИР, ИХТИРОЧИ, МУРАББИЙ

Капитан Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг тўртинчи йилига қадам қўйганига бир неча ой бўлди. Унинг сиёсий ва иқтисодий баркамоллигини яхшилаш билан бирга Ватанимизнинг сарҳадларини ҳушёрлик билан қўриқлаш ҳам ўта муҳимдир. Шу боис Ўзбекистонимизнинг жанубий сарҳадларини қўриқлаётган йигитларимизнинг гайрат-шижоатига офаринлар айтсак арзийди. Улар Амурдарё бўйлаб ўтадиган чегараларимизни ҳушёрлик билан қўриқламоқдалар. Яқинда шу ҳудудда хизмат қилаётган денгизчи-чегарачилар тантанали равишда Ватанга садоқат кўрсатиш учун ҳарбий қасамёд қилдилар.

СУРАТДА: (чапдан) кема командири Ислом Темиров, командир ёрдамчиси Мансуржон Кичинов, матрослардан Ержап Мамбетов ва Шермат Сойиббоев.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Партия ахбороти

ҚАЛБ ИЗҲОРЛАРИ

Жиззах шаҳрида яшовчи партия фахрийлари Савия Шегапова, Худойберди Норматов, Баҳром Ризаев ҳамда шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Ваҳоб Жалилов каби кексаларни тўплаб, ҳол-аҳвол сўраган Жиззах шаҳар партия кенгаши фаоллари йил бошида уларнинг партиявий ишларга кўмаклашишига умид боғлади. Фахрийлардан 52 кишига «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталарига белгул обуна қилинганлиги ҳақидаги патталар топширилди. Улар шаҳар партия кенгашининг ҳисобидан янги йилдан газеталарни олиб ўқий бошладилар.

Шу муносабат билан кексалар шаҳар кенгаши фаолларига ўзларининг қалб изҳорларини билдириб, дуо қилишмоқда.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

МУСТАҲКАМ СИЁСИЙ БИРДАМЛИК ЙЎЛИДАН

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ҳаётида партиялар муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида таъкидланганидек, сиёсий партиялар ижтимоий-сиёсий ташкилот сифатида турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий ирода сини ифодалайдилар, ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар, жамиятнинг тузилиши ва сиёсий ҳаётига таъсир кўрсатадилар. Шунинг учун ҳам партиямиз ўзининг аниқ, пухта ишлаб чиқилган, илмий ва амалий жиҳатдан асосланган дастурига эга. Айни вақтда ҳар қандай сиёсий партия аввало меҳнаткаш халқ оммасининг, турли табақа ва гуруҳларнинг туб ҳаётий манфаатларини ифодалаш билан бир қаторда, бу партиянинг ўзи барча ижтимоий гуруҳ ва табақаларнинг энг уюшган, оммага раҳбарлик қила биладиган онгли, курашчан ва етакчи қисмини ташкил этмоғи лозимдир.

Мустақиллик фарзанди бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ана шундай давримизнинг нуфузли сиёсий партияларидан ҳисобланади. Эндигина уч ёшдан ошган, шаклланиш ва ривожланиш жараёнини бошдан кечираётган бу партия мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ юртимизда содир бўлган буюк тарихий қадамни олқишлаш билан бир қаторда «Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунни республика ҳаётининг барча соҳаларида изчил рўёбга чиқариш учун курашга фаол киришди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг яна бир эътиборли томони шундаки, 1991 йилнинг декабрида кўппартиялилик, муқобиллик асосида Республика Президентини сайлашда Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан номзоди кўрсатилган Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг мутлақ кўпчилик овозга эга бўлиши муҳим воқеа бўлди. Ўзини тўла-тўкис намоён этиш учун интилаётган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сафи йил сайин кенгайиб, жамиятимизнинг мустаҳкам таянчига айланиб боряпти.

Ишчи ва хизматчилар, зиёли ва деҳқонлар, ишбилармон ва фахрийлардан иборат Халқ демократик партиясининг маънавий имконияти кенг ва истиқболи порлоқдир. Чунки бу партия сафида биз аксарият ижодкор зиёлиларни, меҳнаткаш ёшларни кўплаб кўришимиз мумкин.

ЎзХДП Тошкент тумани кенгашида ҳам биз юқоридаги манзарани кўришимиз мумкин. Тумандаги 67 бошланғич партия ташкилотларининг сафида 2 мингдан зиёд партия аъзоси ҳамфикр ва ҳаммаслакдир. Дастурий мақсадларни ҳар бир меҳнат кишисига етказиш, фуқароларнинг сиёсий маданияти, онглилик даражасини ошириш, партиянинг барча бўғинларини ҳаракатга келтириш, сафларини мустаҳкамлаш ва пировардида партиянинг обрў-эътиборини кўтариш туман партия кенгаши фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб қолмоқда.

Аҳолининг яшаш жойларида, маҳаллаларда бошланғич партия ташкилотларининг тузилиши партия ижтимоий-сиёсий фаолиятини амалга оширишнинг тўғри ва мақбул воситаси бўляпти.

Тошкент туман партия кенгаши қошида тузилган тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борувчи жамоатчилик маркази иш режаларининг асосий мазмунини маънавиятимиз, урф-одатларимиз, янгича анъаналарни халқ онгига сингдириш ташкил этади. Мазкур марказнинг ўн кишидан иборат аъзолари туман ҳудудидаги ҳар бир қишлоқ, маҳалла ва ташкилотларда фаолият олиб боряптилар. Бу борада намуна кўрсатаётган Зоирхон Жалилов, Ойбек, Сарке номли маҳаллалари, Охунбобоев савдо уйи, Марказий шифохона, «Ўзбекистон», Муҳаммаджон Фозилов номли, Ғиёс Умаров номли жамоа хўжаликлари, туман электр тармоғи бошланғич партия ташкилотларининг жонкуяр котибларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Эркин ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент туман кенгашининг тарғиботчиси.

Муштарий ёрдам сўрайди

АРЗИМНИ КИМГА АЙТАЙ?

1986 йили Чернобиль атом электр станциясидаги фалокат оқибатларини тугатишда қатнащдим. Ҳалокатли нур таъсири остида ишлаш туфайли саломатлигимга путур етди. Ўшандан кейин шифохонама — шифохона ётиб, оқибатда иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Қарамоғимда беш нафар ёш болаларим бор. Хотиним ошхонада оддий ходим бўлиб ишлайди. Тўғри, давлат нафақасини оламан. Бироқ икки-уч йилдан буён бирон иш билан шуғулланишга имконим қолмади. Саломатлигим кундан-кун ёмонлашаверди. Бунинг устига мен яшаётган Қиргули туманида экологик аҳвол ёмон. Устига устак деганларидек, бу ҳам мадордан кетказяпти. Боз устига оиламиз билан бешинчи қаватда яшаймиз. Уйимизда лифт йўқ. Пастга тушиб чиқиш мен учун жуда ҳам оғир. Катта ўғлимни уйлантирганимиздан буён эса уч хонали уйда 8 киши яшаймиз. Аҳволимни ҳисобга олиб уй-жой шароитимини яхшилаб беришларини сўраб шаҳар ҳокимлигига ёзган аризаларимга ижобий жавоб олмадим. Ҳатто шу ўзимиз яшаб турган уйнинг биринчи қаватидаги хонадонга хонадонимизни алмаштириш тўғрисидаги илтимосимиз ҳам инобатга олинмади. Уч йилдан буён сарсонмиз. Фарғона шаҳар ҳокимлиги бизга ўхшаш муҳтожларга ҳам ёрдам қўлини чўзармикин?

Алижон НАБИЕВ,
Фарғона шаҳар Қиргули тумани, Тинчлик кўчаси 29-уй, 29-хонадон.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 16

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари».
18.45 «Шеърий дақиқалар». Жуманиёз Жабборов.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборoти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Долзарб мавзу».
19.40 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборoти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисодий ислоҳот». «Ўзбектелефильм» премьераси.
21.20 ЎзТВ хазинасидан. Ўлмас Умарбеков. «Кузнинг биринчи куни». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Бош ролда-Халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов.
23.00 — 23.25 «Ўзбекистон» ахборoти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Полопон».
18.55 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
19.25 «Ҳамшаҳарлар» видеоканали:
— «Юзма-юз».
— «Оқ қутича».
— «Ҳамшаҳарлар».
21.45 — 23.45 «Гу-Га». Бадиий фильм. 1-2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ёшлик» студияси. «Ритм, фантазия, балет».

*

«ОМАД» таништиради:
20.25 «Совға».
20.55 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
21.15 Эълонлар.
21.25 Видео — «О».
23.05 Эълонлар.
23.10 «Курьер».
23.30 «... яна об-ҳаво ҳақида».
23.40 — 23.50 «Постфактум».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Ҳамманинг тилида».
18.30 Кубань «Казачья вольница» ансамблининг концерти.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.25 «Париж — Гранада — Дакар» раллиси.
19.55 «Аянчли тақдири билан ҳам бахтли...» Э. Ю. Урусова.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 А. Солженицин билан учрашув.
22.00 «Оталар юртини кўрсатинг бизга...» (А. С. Грибоедов туғилган куннинг 200 йиллигига).
22.45 — 23.15 «Видеомикс».

СЕШАНБА, 17.

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Атака». Бадиий фильм.
10.30 Уқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 «Халқ куйларин қалбингда сақла». Фильм-концерт.
11.30 Уқув кўрсатуви. Кимё.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб...»
12.30 «Театр. Шарқ-Ғарб». Телефильм.
13.00 Немис тили.
13.20 «Талабалар саҳнасида».
14.20 — 14.50 «Кафолат».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Умид учқунлари».
18.40 «Кашф этилаётган имкониятлар».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборoти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов куйлайди.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборoти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Нон таъми».
21.30 «Алпомиш авлодлари». 1994 йилги футбол мавсуми якунига бағишланган кеча.
22.15 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Ўлмас гарнизон». Бадиий фильм.
23.50 — 00.15 «Ўзбекистон» ахборoти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
19.15 «Бу сир эмас».
19.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.00 «Видеогид».
20.20 «Теле-ателье-шоу».
20.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.15 — 23.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ёшлик» студияси. «Мактубингизни ўқиб».

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.25 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.45 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.45 «Эзгулик уйида». Украина миллий маданий маркази.
22.25 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.40 — 23.15 Янги номлар. «Атлас» гуруҳи.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.45 «Ким аслида ким?». XX аср. Ф. Кафка.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 «Орзу-хаёллар фабрикаси».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Монолог».
21.50 — 22.40 «Зафар» мукофотининг топширилишига бағишланган концерт.

ПАЙШАНБА, 19

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Вена почта маркаси». Бадиий фильм.
10.20 «Улоқ». Телефильм.
10.30 Уқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 «Куйла, Санобар». Фильм-концерт.
11.30 Уқув кўрсатуви. Умумий биология.
12.00 «Болалар меҳмонхонаси».
12.30 «Ёшлик» студияси. «Учрашув».
13.30 -15.30 «Маърифат» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Бувижоним ўзлари — дуру гавҳар сўзлари».
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборoти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Унутилмас сатрлар». Беҳбудий таваллудининг 120 йиллигига.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборoти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мозийга бир назар».
21.20 Мақом кечаси.
22.00 «Аршин мол-олон». Бадиий фильм.
23.20-23.45 «Ўзбекистон» ахборoти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Жозиба».
18.55 «Ишингиз бароридан келсин».
19.10 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.30 «Бир шингил ҳангома».
19.40 «Теле — ателье — шоу».
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.00 —23.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ислоҳот ва муаммо».
20.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

21.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.35-22.35 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30-9.00 «Тонг».

***

18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.30 Мультфильм.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
20.00 Баскетбол. Клублар ўртасида Европа чемпионати. Эркаклар. МАСК — «ПАОК» (Греция).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Москва, Кремль».
22.00-22.30 Хабарлар.

ЖУМА, 20

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Хато қилишга ҳаққинг йўқ». Бадиий фильм.
10.25 Немис тили.
10.45 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
11.15 «Муҳаббатим куйлайман». Мусиқий композиция.
11.45 «Ёшлик» студияси. «Эзгуликка интилиб...».
12.15 «Дарахт ва унинг новдалари». Телефильм.
12.45 — 14.45 «Синов даври». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Вазият».
18.40 Бухоро вилояти филармониясининг яккахони Баҳодир Ражабов куйлайди.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборoти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Ишбилармон».
19.45 «Санъат олами».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборoти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Фармон ва ижро».
22.00 «Барҳаёт наволар». Ҳожихон ва Нурмуҳаммад Болтаевлар.
23.20 — 23.45 «Ўзбекистон» ахборoти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Ўчқун».
19.00 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.30 «Билиб қўйган яхши».
19.55 «Экология ва ҳаёт».
20.35 «Бу бўстон аро...».
21.15 — 00.35 «Жиноят ва жазо». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Марду майдон». Тошкент вилояти.
21.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

«ОМАД» таништиради:
22.05 «Камалак».
22.25 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.40 Эълонлар.
22.50 «Даракчи».
23.00 Эълонлар.
23.10 — 00.40 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 «Инсон ва қонун».
18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Бомонд».
19.25 «Людмиланинг буржи». Телевизион ҳужжатли фильм.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
22.00 — 23.10 «Детективлар клуби»да. «Гуруҳ». Телесериал (Франция). 2-серия.

ШАНБА, 21

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Катта йўл». Бадиий фильм.
10.35 «Шоҳруҳ» клуби».
11.05 «Ҳуқуқингизни биласизми?».
11.20 «Ёшлар билан юзма-юз».
11.50 «Ҳужжатли экран».
12.35 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хизмат кўрсатган хор жамоасининг концерти.
13.05 Г. Мдивани. «Жонли тузоқ». Ҳамза номидаги Қўқон театрининг спектакли.
14.15 «Ёшлик» студияси. «Адолат».
14.45 — 16.05 Болалар учун фильм. «Бор эканда, йўқ экан».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.20 Спорт хабарномаси.
18.25 «Узбекистон футболи». Видеофильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Узбекистон» ахборoти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Бўстон». Телевизион журнал.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Узбекистон» ахборoти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти («Туркистон» саройидан ёзиб олинган).
22.30 «Тунги ёгду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.45 «Бу сир эмас».
10.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
10.30 «Видеогид».
10.50 «Теле-ателье-шоу».
11.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.45 «Кинонигоҳ».
13.15 «Омад» тақвими.
13.20 «Жозиба».
13.40 «Ишингиз бароридан келсин».
13.55 «Муҳаббатга ошно қалблар».
14.15 «Бир шингил ҳангома».
14.25 «Теле-ателье-шоу».
14.35 Видео янгиликлари.
15.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
15.45 — 17.00 «Кинонигоҳ».

***

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Ҳамкасблар».
19.40 «Пульс». Хабарлар.
19.55 «Диққат: репетиция!».
20.35 «Янги йил оқшомида» (такрор.).
21.20 — 23.00 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Умид» (уйғур тилида).
10.30 «Вариацияли мавзу». Верико Анджапаридзе.
11.00 «Жонли сайёра».
11.20 — 12.00 «Дидар» (қозоқ тилида).

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ёшлик оқшоми».

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.35 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
21.00 «Рангинкамон».
21.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.00 «Барча юлдузлар». Билли Холидей.
22.40 — 23.00 «Бу ажиб дунё».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 «Ақлли болалар ва оқила қизлар».
18.25 «Ўшангача ва ундан сўнг».
19.15 «Эльбурсни кўзлаб нонушта». Телевизион бадиий фильм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 Фантастик воқеалар, ҳангомалар, қизиқ ҳодисалар.
22.25 — 23.25 «Матадор».

ЯКШАНБА, 22

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Умрбоқий ва ҳамиша навқирон». Телефильм.
9.15 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
10.30 Болалар учун фильм. «Қўғирчоқ бола».
11.45 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
12.15 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
13.00 «Авлиё Лука»нинг қайтиши». Бадиий фильм.
14.30 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
15.10 — 15.40 «Ёримга айт». Лирик концерт.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб».
18.25 «Тасвир». Кинокўрсатув.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 «Ойнаи жаҳонда...».
19.55 «Якшанба оқшомида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Эстрада концерти.
22.05 «Қизлар». Бадиий фильм.
23.40 — 00.10 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
17.00 «Совға».
17.30 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
17.50 Эълонлар.
17.55 Видео — «О».
19.40 Эълонлар.
19.45 «Курьер».
20.05 «... яна об-ҳаво ҳақида».
20.15 «Постфактум».
20.25 «Панорама».
20.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.15 «Даракчи».
21.25 Эълонлар.
21.30 — 23.00 Видео — «О».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Таклифлар ва ташриф-лар».
10.20 «Интердиалог».
11.00 — 11.20 «Орол тароналари». Фильм-концерт.

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Ёшлик» студияси. «Зиё».

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
21.05 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.20 «Дунё эшиги».
23.05 — 23.25 «Бу ажиб дунё».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.10 «Кўрманаси бор шпаргалка».
18.20 «Уолли қаерда?», «Питер Пуш». Мультфильмлар (АҚШ).
19.20 «Бутун Россия».
19.50 «Учинчи кимсанинг яқин атрофидагилар». Бадиий фильм (АҚШ, «Коламбия пикчерс»).
22.00 — 22.50 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.

Бобур номли жамоа хўжалиги Денов туманининг илғорларидан бири. Унинг ташкил этилганига тўрт йил бўлган бўлса-да, аммо йиллик режа ва топшириқлар бирон йил уддаланмасдан қолмаган. Хўш, хўжалик ўтган йилни қандай якунлади? Келгуси режалари қандай? Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Одил УЛУҒОВ билан бўлган суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

Тадбиркор минбари

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

— Хўжалигимиз меҳнаткашлари учун ўтган йил муваффақиятли бўлди. 1200 гектар майдоннинг тенг ярмига эрта баҳорда сара чигит қадаган эдик. Ҳар гектар ердан 34 центнердан ҳосил олиб йиллик режамизни туманда биринчилардан бўлиб бажардик. Давлат ҳазинасига икки минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди.

Биз фақат пахтачиликдангина эмас, балки бошқа жабҳаларда ҳам яхши натижаларга эришдик. Эришилган ютуқлар барча меҳнаткашларимизнинг ҳалол ва самарали меҳнати эвазига қўлга киритилганди. Шу ўринда гап кетганда айтиб ўтай: меҳнатга иштиёқ уйғонган жойда барака энавераркан.

Имкон борича хўжалигимиз меҳнат аҳлининг яхшироқ яшашини таъминлаб, турли қулайликлардан баҳраманд бўлишларига шароит яратяпмиз. Масалан, ҳудудимизда учта нонвойхона, тегирмон, амбулатория ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси одамларни унумли меҳнатга, изланишга илҳомлантирмоқда. Натижада ишларимиз тобора юришиб боряпти.

Ҳозир ким тадбиркор, ишбилармон бўлса, ўша раҳбарнинг ўзи ҳам, халқи ҳам бойийди. Хўжалигимизнинг Абдуғаффор Шеров раҳбарлик қилаётган донни қайта ишлаш цехи бунинг яққол мисолидир. Цех бир кечакундузда ўн тонна донни қайта ишлайди, ҳам навларга ажратади. Келгусида яна шундай ускуналарни кўплаб, ўрнатиб, меҳнат унумдорлигини янада оширмоқчимиз.

Яқин кунларда 7-8 турдаги турли ширинликларни тайёрлаб чиқарадиган кичик корхона ҳам ишга туширилади.

— Ҳаётимиз кундан-кунга яхшиланмоқда, — дейди Одил ака. 300 гектар майдонга ғалла эккан эдик. Жон бошига 30 килограммдан буғдой тарқатдик. Ўтган йил эса 500 гектардан кўпроқ ерга ғалла эқдик.

Ниятимиз пахта ҳосилдорлигини камайтирмаган ҳолда ғалладан ҳам мўл-кўл ҳосил олиш.

Ҳозирга қадар хўжалигимизда тегирмон йўқ эди. Энди эса бу мушкулимиз ҳам осон бўлди. Шу йилдан эътиборан ўзимизда етиштирилган донни шу ерда ун қилиб, халқимизга тарқатамиз. Биринчидан, бу халқимиз учун ҳам, хўжалик учун ҳам кони фойда, ҳам қулайдир.

Жорий йилда хўжалигимиз ҳар бир жон бошига 60-70 килограммдан улашишни режалаштирганмиз.

Хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг бир қатор фармонлари эълон қилинди. Уларнинг бажарилиши бўйича ҳам кўпгина ишларни амалга оширяпмиз. Масалан, Ҳамза Муродов раҳбарлик қилаётган хусусий фермада жами 315 бош қорамол бор. Шундан 205 боши соғин сигирлар. Ферма жамоаси давлатга 15 тоннага яқин гўшт топшириб, йиллик режани муддатидан олдин бажарди.

Биз фермани айланганимизда бу ерда қорли-қировли кунлардан қорамолларни беталафот олиб чиқиш учун барча шароитлар яратилганлигининг гувоҳи бўлдик. Ем-хашак, озуқа ортиғи билан жамғарилган. Қаерда шароит яхши бўлса, шу ерда ишчиларнинг кайфияти ҳам, ишлаши ҳам унумли бўлишига ишонч ҳосил қилдик.

Сут топшириш режаси муддатидан олдин уддаланибди. С. Муқимова, П. Турсунова, М. Фозилова каби илғор сут соғувчилар бошқаларга намуна бўлишмоқда. 1995 йилдан давлатга гўшт сотишни кўпайтириш ҳисобидан ишчиларнинг ойлик маошини камида 50 фоизга ошириш кўзда тутиляпти..

Йўлларни асфальтлаш, хўжаликни газлаштириш, 300 ўринли иккита мактаб қуриш асосий вазифа.

Одил Улуғовнинг бундай шарафли ишларидан хўжалик меҳнат аҳли ҳам, оқсоқоллар ҳам мамнун.

Халқимизнинг ана шундай тадбиркор кишилари қанча кўпайса, юртимиз шунча бой ва тўкин бўлаверади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Абдумалик ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди.

АТТОРЛИК

«АТТОРЛИК» РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ

Шу йилнинг 16-20 январь кунлари чакана савдо ташкилотларига (мулкчиликнинг қайси турига мансублигидан қатъи назар), 1995 йилда атторлик моллари етказиб бериш учун шартнома тузиш бўйича ярмарка ўтказади.

Манзилимиз: 700057, Тошкент шаҳри, Жомий кўчаси, Магазин -- «Мавзук», 20-уй.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН ТАКЛИФ ЭТАДИ:

— аёллар ва эркаклар пойабзали (Италия, Португалия, Хитой маҳсулотлари)
ичимликлар сотуви давом этмоқда:
— ҳар хил Италия винолари
— мева ликёрлари (Италия)
— 7 хилдаги шампан винолари (Италия)
— «Наполеон», «Виски» ичимликлари
— турли хилдаги ароқлар (Исландия, Бельгия, Голландия)
— «GOLDEN AMERICAN» сигаретлари
ОВРЎПОнинг энг яхши сифатли моллари!
Ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулотларини, пойабзал, кийим-кечак, оргтехникаларни шартнома бўйича етказиб беришни таклиф қиламиз.

Алоқа учун телефонлар: 45-55-65, 45-70-65.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Улуғбек номидаги 230-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Мадаминов Алишер Анварович номига берилган АУ № 305411 рақамли аттестат **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ 1996 ЙИЛГА ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАР ФУҚАРОЛАРИ УЧУН АМЕРИКАГА ИММИГРАНТЛИК ВИЗА ОЛИШ ЛОТЕРЕЯСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Америка Қўшма Штатларининг Ҳукумати 1995 йилнинг 31 январидан 1 мартгача турли мамлакатлар фуқаролари учун яратилган Иммигрантлик визалари Дастурида қатнашмоқчи бўлганларнинг мурожаатларини қабул қилиб олади. Дастур махсус Ўзбекистон учун яратилган эмас; у бир неча йилдан бери мавжуд ва АҚШ Конгресси томонидан яратилган бўлиб, унинг мақсади охирги йилларда Америкага иммиграция даражаси паст бўлган мамлакатларда истиқомат қилувчиларга иммиграция имконини беришдир. Лотереяда ютганлар иммигрант визаси учун мурожаат қилишлари мумкин; лекин иммигрантлик визасини олишларига кафолат йўқ. Ҳар йили ҳамма давлатлар учун ажратилган бундай визаларнинг сони 55 мингдан ортиқ бўлмайди. Ҳар бир мамлакатнинг виза олиш юқори миқдори 3.850 тадир, бу рақамнинг ичига ғолибларнинг эр-хотинлари ва 21 ёшга тўлмаган фарзандлари ҳам киритилади. Баъзи бир мамлакатларда ҳеч ким ютмаслиги мумкин. Ўтган йили Ўзбекистонда лотереяда қатнашганлардан 126 киши ғолиб чиқди ва иммигрантлик визасига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

МУРОЖААТ ҚИЛИШ УЧУН ТАРТИБ-ҚОИДАЛАР

— Хатлар юбориш муддати — 1995 йилнинг 31 январидан 1мартигача.

Ўз муддатида АҚШдаги Ҳужжатларни кўриб чиқувчи Марказга юборилган хатларга асосланиб, компьютер ғолибларни танлайди. 31 январдан олдин ёки 1 мартдан кейин олинган хатлар кўрилмайди.

— Биттадан ортиқ хат юборсангиз, сизнинг мурожаатингиз кўрилмайди. Лекин ҳар бир иштирокчи эр-хотини ҳақида маълумотлар ёзиб юборса бўлади. Шунинг учун эр ва хотин ҳар бирлари хат юборишлари мумкин.

—Иштирок этмоқчи бўлганлар ўрта мактабни битирган бўлишлари шарт, ёки охирги беш йил ичида шуғулланган ишлари, икки йиллик маълумотни ёки тажрибани тасдиқловчи ҳужжати бўлиши керак.

МУРОЖААТ—ХАТНИНГ ШАКЛИ

— Иштирок учун ҳеч қандай махсус мурожаатнома шарт эмас. Қуйидаги маълумотларни оддий оқ қоғозда инглиз тилида босма ҳарфлар билан ёзинг:

1. Иштирокчининг фамилияси, исми, отасининг исми (фамилиянинг тагига чизиш керак).
2. Иштирокчининг туғилган йили ва жойи:
Туғилган йили: куни, ойи, йили
Масалан: 15 November 1961
Туғилган жойи: шаҳар, область (вилоят), мамлакат
Масалан: Tashkent, Tashkent oblast, Uzbekistan
3. Иштирокчининг эр-хотини ёки 21 ёшга тўлмаган ва уйланмаган фарзандларининг исмлари, туғилган йиллари ва туғилган жойлари.
4. Иштирокчининг хат юборилиадиган манзили: манзил аниқ ва тўлиқ бўлиши керак, чунки ғолибларга шу манзилга хабарнома ва қўлланмалар юборилади.

Иштирокчи яшайдиган мамлакатнинг номи, Сиз қуйидаги мамлакатларни ўз мамлакатингиз сифатида ёзиб юборсангиз бўлади:
— сизнинг туғилган жойингиз;
эр-хотинингиз туғилган жойи;
отангиз ёки онангизнинг туғилган жойи (агар уларнинг туғилган жойлари сиғмикидан фарқ қилса).

МУРОЖААТ-ХАТНИ ЮБОРИШ

— Мурожаатнома-хат узунлиги 15-25см ва кенглиги 9-11 см бўлган конвертда юборилиши керак. Мурожаатнома-хатлар фақат оддий ёки авиа почта орқали юборилиши керак, лекин хатларни дунёнинг барча жойларидан ва шу қаторда Америкaнинг ўзидан ҳам юборса бўлади. Қўлдан қўлга берилган, факс ёки бошқа махсус, регистрациядан ўтадиган (экспресс-почта ёки буюртма хатлар каби) йўллар билан юборилган хатлар ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ. Иштирокчининг мамлакати, тўлиқ исми ва хат юборилиадиган манзили инглиз босма ҳарфлар билан конвертнинг юқори чап бурчагида ёзилиши керак. Ушбу маълумотлар қуйидаги тартибда ёзилиши керак:

Туғилган мамлакатингиз.
Тўлиқ исмингиз.
Кўчангизнинг номи, уйингиз ва хонадонингиз рақами.
Шаҳар, вилоят (область), индекс.
Истиқомат қиладиган мамлакатингиз.

— Қуйидаги Қирғизистонда туғилган , лекин Ўзбекистонда истиқомат қиладиган шахснинг манзили тўғри ёзилган конвертнинг намунаси. Лотереянинг манзили худди қуйидаги берилган манзилдек ёзилиши керак:

Kyrgyzstan — Почта маркаси
Turaev Tura Turaevich
Olmos Kuchasi,uy 8,kvartira 13
Tashkent,Tashkent Oblast, 700010
Uzbekistan

DY-96 Program
National Yisa Center
Portsmouth, NH 00212
U.S.A.

Ғолибларга почта орқали конвертда ёзилган манзилга хабарнома-хат ва қўлланмалар юборилади. Ютмаганларга ҳеч қандай хабар юборилмайди. Ушбу хабарнома виза олишингизга кафолат бермайди, у сизга фақат виза олиш учун мурожаат қилиш ҳуқуқини беради. Визага эга бўлиш учун мурожаат қилувчилар Америка қонунида кўзда тутилган ҳамма шартлар бўйича тўғри келишлари лозим.

МУҲИМ НИШОН: Дастурда иштирок этиш мутлақо БЕПУЛ. Лотереяда иштирок этиш учун мурожаат-хатларни ёзишда орада турган шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик мурожаат қилувчининг ўзига боғлиқ. Орада турган шахсларга тўлаш сизнинг ютиш имкониятингизни ошира олмайди, мурожаат қилувчининг ўзи ёки у шахс учун бошқа одамлар юборган мурожаат-хатлари бир хил ютиш имкониятига эгадир.

Ушбу қўлланмаларнинг бир нусхасини сиз ҳар куни, душанбадан жумагача, соат 17.00 дан 17.30 гача, Чилонзор кўчаси,82 манзилгоҳида жойлашган Америка Қўшма Штатлари Элчихонасида бепул олишингиз мумкин, шунингдек, Америка Элчихонасининг ташқарисида шу қўлланмаларнинг бир нусхаси ва дунё бўйлаб ўтказиладиган бу дастурга таллуқли маълумотлар билан танишсангиз бўлади. Элчихонанинг ушбу дастурда иштироки фақат юқорида айтиб ўтилган маълумотлар бериш билангина чекланади. Элчихона ҳеч қандай маслаҳатлар бера олмайди, хат юбориш хизмати билан таъминламайди ва лотерея натижалари ҳақида ахборот бермайди. Шунингдек, Элчихона дастурга таллуқли саволларга телефон орқали ёки юзма-юз жавоб бера олмайди.

Дил изҳори

ҚУЁШ, ҲАМАЛ БУРЖИ БАРҲАҚ

Сизнинг шеърият билан бугунги учрашувингиз, шубҳасиз, ўзгача: бу - олим тартиб берган шоирона мушоҳадалар, мусоҳаба-суҳбатлар. Муаллиф кўпчилигимизнинг қадрдон домламиз Ботирхон Акрам! Тошкент Давлат дорилфунунида мумтоз адабиёт дарсларида фасоҳат олами сир-асроридан воқиф этган устозлардан. Кўп йиллар давомида шеъриятни холисона, балким, ортиқ талабчан таҳқиқ этиб келаётган инсон, не ажабки, қадимий санъат йўлида машқ бошлабди, бундан қувонсак арзийди.

Азим СУЮН

***

Бу рубъи маскунда не каттаю не кичик?
Огаҳ этар илми тавҳид: бор чексиз бирлик...
Улуғлардан улуғ, шариф зотлар — хокироҳ,
Буюклик — сен, унга тимсол ҳам ўзинг, Аллоҳ!

***

Оламга боқ: ким пастдаю ким баланд?
Нидо келур валилар сўзи монанд:
Сарбаланддир кимки — ҳақир ҳамдасти,
Баланд ё паст этмак — тангрининг хости...

***

Ҳаётда хатар бор, қўрқув, хавотир,
Магар даҳрийликдан ёмон даҳшат йўқ.
Кимда дину иймон — осуда хотир,
Ғаму ғамгусор бор — шаккок ваҳшат йўқ!..

***

Абут-Туркдан мерос тилим — иноятингдан,
Илми зариф, илҳоми шеър — хос рағбатингдан.
Муҳтождирман, дариғ тутма марҳаматингдан,
Мен — умидвор жаҳонгашта ҳимоятингдан.
Жудо этма ёниқ фитрат, пок хилқатингдан,
Мен осийга имдод бергил - шафоатингдан.
Дил чароғи, руҳ ороми — ҳар оятингдан,
Токи Маҳшар адаштирма ҳидоятингдан...

***

Даҳрий муҳит берган маҳдуд маърифат,
Ёлғон домгоҳида бўғилган устоз!
Сизга таъна эмас, жоиз марҳамат,
Бизга юпанч — Ҳаққа шукрона фақат...

***

Мағриб либослари орзумандаси,
Шармсиз қавмга тақлид бандаси,
Билиб қўй: хўрланган масъумлик, талъат
Қасос сўрагувси алал-оқибат!

***

Феълингиз — ўзбакий, дилкаш, дилнавоз,
Лаҳжа — беандоза, туркий, бепардоз...
Сиз бунча тортиниб, қимтинган иқлим
На миллат, на тилин танийди, синглим!

***

Шоирлар бор: хушҳол, мисли баҳор булбули,
Улуғ айёмлару базму тараблар гули.
Қуёш, ҳамал буржи барҳақ—баҳорлар қайтар,
Алёрлар... қайтарми ё қайтмас, ким айтар?..
Бас, сарҳисоб ҳақдир, шоир, лиллоҳ фикр қил,
Кўнглингда не ўй, муддао — рўй-рост зикр қил.
Ғофил қолма: ҳар ёлғондан рағбатда шайтон,
Шубҳа оралади, билки, озурда Раҳмон...

***

Қайдан бу ғамзада, дилозор итоб?
Бахтдан хавотирда, ўйга толасан:
«Бу қувонч охири...аламу азоб» —
Умидли дунёга шубҳа соласан...

Ботирхон АКРАМ,
ТошДТУ профессори.

Таклифлар, мулоҳазалар

КЎПЧИЛИККА ФОЙДАМ ТЕГСИН...

Президентимизнинг фермер (деҳқон) хўжаликларини ривожлантириш тўғрисидаги Фармони чиққандан кейин бу соҳада анча ибратли ишлар амалга оширилди. Бунга биргина бизнинг хўжалигимиз фаолияти ҳам мисол бўла олади. Дастлаб бизда борйўғи 11 бош бузоқ бўлган, холос. Кейинроқ бир неча от ва қўй сотиб олдик. «Политотдел» жамоа хўжалиги икки гектар ер ажратиб берди. Озуқа майдонига эга бўлингач, моллар туёғини кўпайтира бордик. Битта универсал трактор харид қилдик. Ҳозирги пайтда қорамоллар сони 36 бошга етди. Бир неча от ва қўйларимиз бор. Эндиликда шунча мол учун озуқа майдони камлик қилмоқда. Бизнинг эҳтиёжимиз қондирилиши учун камида 8-10 гектар ер ажратилиши керак. Бу борадаги илтимосимиз негадир амалга ошмай қоляпти. Ахир, мен ишлаш учун, чорва маҳсулотларини кўпайтириш мақсадида ер сўраяпман-ку.

Яна бир гап — шартномада кўрсатилган гўштни жамоа хўжалигига топширгач, қолганини шу ерда ҳамқишлоқларимга сотмоқчиман. Бозорлардан бирмунча арзонга — зарур бўлса насияга ҳам. Нақд пул нисбатан кам бўлгани сабабли менинг бу таклифим фойдадан холи бўлмасди, деб ўйлайман. Ана шу дўконни қишлоғимиз марказида барпо этилишида газета таҳририятидан ёрдам сўрайман.

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони айни муддао бўлди. Унинг амалга оширилиши бозор муносабатларига ўтиш жараёнларини янада тезлаштиришига шубҳа йўқ.

Турғун ТУРСУНОВ,
Юқори Чирчиқ туманидаги фермер хўжалиги раиси.

Тўйхат ўрнида

БИЗНИНГ НОМОЗ



Мен ҳамкасб дўстим, журналист Номоз Саъдуллаевни ўйлаганимда, оташзабон шоир Ғафур Ғуломнинг қуйидаги мисралари эсимга тушади:

Тақдирин қўл билан яратур одам,
Ғойибдан келажак бахт бир афсона.

Тақдир эса Номозни кўп ҳам сийлайвермади. У онадан жуда ёш қолди: волидаси меҳридан баҳра ололмади...

Номоз Саъдуллаев бир неча ой «Халқ сўзи» — «Народное слово» рўзномасига раҳбарлик қилди.

У бугунги кунда нимагаки эришган бўлса — ҳаммаси меҳнати, фақат меҳнати, тиришқоқлиги, заҳматкашлиги, бошлаган ишини охирига, албатта, етказишга ўрганганлиги, «ушлаган жойини қўйиб юбормаслиги», қолаверса, одамийлиги туфайли.

Мен Н. Саъдуллаев билан етмиш бешинчи йилдан тўқсон биринчи йилгача — қарийб ўн етти йил бирга «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси редакциясида, қутлуг даргоҳда меҳнат қилдим. Матбуотчилар таъбири билан айтганда, «отахон газета» идораси тупроғини яладик. Биз иккаламиз таҳририятнинг саноат, қурилиш ва тран-спорт бўлимида бир хонада ўтириб ишлардик. Мудиримиз, таниқли қаламкаш, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан журналист Жўра Холқосимов (у киши яқинда вафот этдилар, илоё, жойлари жаннатда бўлсин) бўлимда соғлом ижодий муҳитни яратиб берган эди. Агар биронтамиз хатога йўл қўйгудек бўлсак, юзимизга солмасди. Мийиғида кулиб, масалми, маталми ёхуд латифами айтиб, ораданги ўнғайсизликни кўтариб ташлар эди. Жўра ака ҳеч қачон бақириб-чақирмасди. Гапни узоқдан бошлаб кейин масалага тўхтарди. Бу эса бизларга қанот бағишлар, изланишга, янгилик қидиришга, теша тегмаган мавзуларни, етилган муаммоларни газета саҳифаларига олиб чиқишга ундарди. Мақтаниш эмас-у, лекин бўлимимиз ўша пайтларда таҳририятнинг олди бўлимларидан бири саналарди. Бўлимимиз таҳририят номидан Бекобод металлургия заводида электрда пўлат эритиш мажмуи қурилишини оталиққа олган эди. Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва унинг сифатини яхшилаш масалалари доимо назоратимизда эди. Транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш муаммоларига бағишлаб рейдлар ўтказардик...

Буларнинг ҳаммасида Номоз Саъдуллаев фаол иштирок этган. Мен унинг бирон дақиқа бўлса, бекор ўтирганини эслай олмайман. У ҳамма вақт нималарнидир ўқир, тагларига чизар, ёзарди, ўчирарди ва яна ёзишдан эринмасди.

Номоз Ўзбекистондаги деярли барча йирик қурилишларда бўлган. Саноат корхоналарининг раҳбарлари, муҳандис-техник ходимлари ва зарбдор ишчилари уни яхши билардилар. Транспортчилар ва алоқачилар уни йўқлаб, тез-тез редакцияга ташриф буюрардилар. У журналистиканинг барча жанрларида — очерк, лавҳа, корреспонденция ва хабарлар ёзарди.

Ўзбек журналистикаси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган ҳассос публицист, моҳир ташкилотчи, газетамиз бош муҳаррирининг ўринбосари Холбек ака Ёдгоров (худо раҳмат қилган бўлсин) нима учундир Номозни «Замон» деб атардилар. Биз, ёшлар у зотдан нега бундай деб чақиришлари сабабини сўрашга ботина олмас эдик. Бир куни эпини топиб, газетамиз масъул котиби, Холбек аканинг севимли шогирдларидан бири марҳум Абдукарим ака Набиҳўжаевдан (ғўрлари нурга тўлсин) шу ҳақда сўраган эдик, у киши: «Устоз Номозни ҳозирги замон фарзанди деб биладилар, соҳамиз келажагини Номоз сингари иқтидорли ёшларда кўраяптилар», деб жавоб берган эдилар. Ҳақиқатдан ҳам шундай экан. Холбек ака бу фикрларини ўзларининг кейинчалик босилиб чиққан «Ҳаёт тўлқинлари» китобида анча кенгроқ баён қилди.

Номознинг болалиги Самарқанд вилоятининг ҳозирги Қўшработ туманида ўтган. Унга қўшни Нурота тумани ҳам асосан чорвадорлар, ғаллакорлар маскани ҳисобланади. Шунинг учунми, чўпон ўтовларидаги бир пиёла чой, чорвадорларнинг тонготар суҳбатлари, ғаллакорларнинг ташвишу қувончлари унга яхши таниш. Шу сабабли бу мавзуларда ҳам бир қанча очерк ва мақолалар ёзган. Ҳозир қимгадир янгилик бўлиб туюлар. Номоз 1978 йил «Нон қўшиғи» сарлавҳали мақола ёзиб, кўпчиликни ҳушёр торттириб қўйди. Мақола Нурота туманида ғаллачиликни ривожлантириш муаммоларига бағишланган эди. Ўша йиллари ушбу туман партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган марҳум Ҳожиқул ака Худойқулов Нуротага борганимизда.

— Шундай нарсалар ёзиш керакки, халқ доимо эслаб юрсин, — деганди.

Йиллар ўтди. Номоз Саъдуллаевнинг қалами тобора чархланиб, маҳорат қирралари оша борди. Энди уни газета саҳифаларидаги мақолалари, телевидение кўрсатувлари ва радио эштиришларидаги чиқишлари қониқтирмай қўйди. Дилидаги ўйлари ва армонларини, эзгу орзу-умидлари ва ишончини китобларга кўчира бошлади. «Эл эзозлаган элдошларим», «Тошкент чинниси», «Дилкаш дўстлар давраси», «Яйлов гурунглари» китоблари унинг ижоди барқ ураётганлигидан далолат беради.

Таҳририятимиз раҳбарияти Н. Саъдуллаевдаги истеъдод ва ташкилотчилик қобилиятини ҳисобга олиб, уни қишлоқ хўжалиги бўлими мудирлигига тавсия қилди. У бўлим ишини қайта ташкил этиш, рўзнома саҳифаларига агросаноат мажмуининг долзарб муаммоларини, унинг ечимларини излашга оид тажрибаларни олиб чиқишга, янги рукнларни очишга интилди.

Саксонинчи йилларнинг охирларида республикамиздан бир қанча келажаги бор ёш журналистлар Москвага, марказий рўзномалар таҳририятларига иш ўргангани юборилди. Улар орасида Номоз ҳам бор эди. Уни «Правда» газетаси редакциясига тавсия этишди. Орадан ўн кун ўтар-ўтмас, шу «Правда» саҳифаларида унинг дастлабки мақоласи эълон қилинди. Кейин эса кетма-кет турли мавзудаги, турли шаклдаги хабар, мақола ва суҳбатлари чиқа бошлади. Биз редакциямиз ходимининг «Правда»даги материалларини ўқиб ғурурланар, айни пайтда унинг сермаҳсуллигига, ўта талабчан правдачилар мезонига жавоб берадиган материаллар топаётганлигига ҳавас қилар эдик.

Ҳар соҳада биринчи бўлиш қийин. Номозни ҳам баъзи йўналишларда биринчилардан деб ҳисоблаш мумкин. Бойқўнғирдаги машҳур космодромга қадами теккан биринчи ўзбек журналисти ҳам Номоз бўлади. У қаҳрамон фазогирлар билан юзма-юз туриб суҳбатлашиш, қудратли ракеталар ва ҳаво кемаларининг парвозини кузатиш шарафига муяссар бўлди. Уларнинг шижоати ҳақидаги ҳис-туйғуларини, Ўзбекистонлик фазогирларнинг бир кунмас — бир кун келиб шуҳрат қозонишларини орзу қилиб, умид тўла сатрларини қоғозга туширди.

Радио Арманистонда даҳшатли зилзила бўлганлиги, Ленинакан ва Спитак шаҳарлари ер билан яксон бўлганлиги ҳақидаги шум хабарни тарқатган ҳамоно, Номоз бош муҳаррир олдига кириб:

— Мени Ереван шаҳрига юборсангиз, — деб туриб олди.

Ўша қаҳратон қиш кунларида бутун жаҳон афкор оммасининг диққат эътибори Арманистонга қаратилганди. Номоз Саъдуллаев ҳар куни эрталаб телефон орқали Еревандан хабарларни айтиб ёздирар, ўқувчиларни зилзила ўчоғидаги энг сўнгги янгиликлар билан таништирар эди.

Номоз бош муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлаб юрган кунлардан бирида хонасига кирсам, қўлида телеграмма, ўйчан ўтирарди.

—Ҳа, дўстим, ўйчансиз, тинчликми?! — сўрадим.

— Ҳамқишлоқларим Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига номзодликка овозга қўйилишга розилигимни сўрашибди. Нима деб жавоб беришга ҳайронман.

— Нега ҳайрон бўласиз?

— Мабодо, сайлангудек бўлсам, халқнинг ишончини оқлашнинг ўзи бўладими?! Қўлимдан келмас-ов. Шу важдан олдинги илтимосларига йўқ деб жавоб берган эдим. Мана энди қатъий талаб қилишяпти.

— Номоз, — дедим, – илдизларингиз ўша тарафларда. Эсли-хушли одам ўз илдизига болта урмайди. Ҳамқишлоқларингиз раъйини қайтарманг. Рози бўлинг.

Шу гапдан кейинми ёки бошқалар ҳам шу фикрни айтишганми, ҳайтовур, Номоз розилик берди. У кўпчилик овозни олиб депутатликка сайланди. Ўз округида шу кунгача қанча хайрли ишлар амалга оширилган бўлса Номоз ноиблик ваколати доирасида уларга салмоқли ҳисса қўшди. Олий Кенгашда эса аввал Халқаро ишлар ва ошкоралик масалалари қўмиталарининг раиси ўринбосари, ҳозирги кунда халқаро ишлар қўмитасининг масъул ташкилотчиси лавозимларида ишлаб келмоқда. Айни пайтда у чет эллардаги ватандошларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш парламент комиссияси котиби ҳамдир. Ўзбекистон ХДП аъзоси сифатида партиямиз Тошкент шаҳар Юнусобод тумани кенгашининг ташкилотчиси.

Дўстимиз Номоз Саъдуллаев элликвойлар сафидан ўрин олибди. Шу қутлуғ айёмда унга қарата:

— Ҳорманг, дўстим, чарчаш нималигини асло билманг! — дегинг келади.

Эркин ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси совриндори.

ҒАРОИБ ДУНЁ

ТЎҚСОН СОАТЛИ ГИМНАСТИКА

ҚУШМА ШТАТЛАРДА минглаб ёш йигит-қизлар антиқа мусобақа ўтказдилар.

Улар гимнастик халқани уч кун мобайнида тинмай белларида айлантирдилар. Бироқ рекорд фақат Роксана Роуз исмли қизга насиб этди, холос. У халқани ҳеч тухтатмасдан тўқсон соат давомида айлантирди.

УЧИНЧИ РЕКОРД ҲОЗИРЧА СИР

КЁЛЬН шаҳрида истиқомат қилувчи Клеменс Мюттернинг номи икки марта Гиннеснинг машҳур «Рекордлар китоби»дан ўрин олган. Биринчи марта 102 соату 30 дақиқа дам олмасдан арғимчоқда учгани учун бўлса, иккинчи марта 7 соату 58 дақиқада 1622 жуфт оёқ кийимини мойлаганлиги учун қайд этилган.

Тиниб-тинчимас Мюттер учинчи марта рекорд қўймоқчи, лекин кучини «спорт»нинг қайси тури бўйича кўрсатажагини сир сақламоқда.

СУҲАНДОННИНГ СЎЗ МАРАФОНИ

МАБОДО, кўп гапириш бўйича жаҳон биринчилиги ўтказилса, чилилик суҳандон Мигель Анхель Наваррен албатта, биринчи ўринни эгаллаган бўларди. Томе шаҳри радиостанциясининг юбилейига бағишланган байрам эшиттиришини 30 июлдан бошлаган Наваррен студияни 8 августдагина тарк этди. Шундай қилиб жаҳон тинмаган диктор 113 соату 7 дақиқа тўхтамасдан гапирди.

Хабарингиз борми?

ЭФИРДА: «АНДИЖОН» ЁШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

Мамлакатимизда вилоят телевидениелари ташкил этилиб, фаолият кўрсата бошлагани қувончли ҳолдир. Айни пайтда бу жараён кенгайиб бормоқда. Бунга Фарғона водийсида ташкил этилган «Андижон» ёшлар телевидениеси мисол бўла олади.

Мазкур телеканал ўтган икки йил ичида водийда ўзининг мухлисларини топди. Ҳозир ушбу «ойнаи жаҳон»ни Андижон, Наманган ва Фарғона вилояти аҳолиси мириқиб томоша қилмоқда. Ҳафталик кўрсатувлар қарийб 30 соатдан ошиб боряпти.Айниқса, ёшлар ҳаётига оид «Умид юлдузлари», «Тадбиркор», сингари кўрсатувларнинг ихлосмандлари кўп.

Яқинда ёшлар телеканали МДҲ давлатларидан видеоаппаратуралар, компьютерлар ва бошқа зарур жиҳозлар сотиб олди. Бу ишларга ёш тадбиркор Шуҳрат Аҳмедов бош-қош бўлди.

Андижон вилояти ҳокимлиги ёрдами туфайли ишларимиз жонланмоқда, — дейди Ш. Аҳмедов. — Энди нафақат водий аҳолиси, балки қўшни Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон Республикаларининг айрим вилоятлари телетомошабинлари ҳам ранг-баранг концертлар, кинофильмлар ва бошқа бадиий-ижодий кўрсатувларимизни кўриб, ҳордиқ чиқаришга мушарраф бўлишади.

Раҳимжон БЎРИБОЕВ.
Андижон вилояти.



Бир пиёла чой устида.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат-лавҳа (ЎзА).

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

НАФСИ УНИНГ БАЛОДИР...

Носоғлом ботирлик Оқтепа-Митан қишлоғилик Сатторов ва Хўжановлар хонадонини ҳувиллатиб кетди. Гап эндигина 24 ёшга қадам қўйган Салоҳиддинбеку Эргашвойларнинг кайфчиликда қилиб қўйган шўхлиги устида бормоқда.

Нима жин уриб ўша куни уларнинг кайфи ошиб қолди. Сир эмас ароқни ичиш бир бошландими, охири қуринмай қолади. Қиёмига етганида Эргашвой ўртоғига, «оғайни кеча қуриб режалаштирганман, ферма бригадири Урол Турдиев, зоотехник Худойберди Абдуллаевнинг ишхонасида анчагина нарса бор, умармаймизми? Қуриб қолишса ҳазиллашдик деймиз», деди.

Фермага бориб, «ҳазил» эшикларни бузишдан бошланди. Нарсаларни олиб кетишга тўрва ҳам топила қолди. Икковлон ҳаш-паш дегунча хонадаги пичоқдан тортиб латта-путтагача йиғиштириб олиб жуфтакни ростлашди. Зоотехник ҳам, бригадир ҳам ўғрилар ўзлари билан ёнма-ён ишлайдиган чўпонлар эканини қаеқдан билишсин. Ўғрилар топилгач, ҳайратдан ёқа ушлашди.

Салоҳиддин Сатторов мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилиб, 8 йилга, Эргашвой Хўжанов ҳам ҳеч вақосиз қолиб, 7 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Суд ҳукми қонуний кучга кирганига анча бўлди.

БАНГИХЎР БАНГИ

Булунғурлик миршаблар автобусни тўхтатишганида Вячеслав амакининг мазаси қочди. Ўзини у ёқ-бу ёққа ташлади. Мудраганга солди. Барибир эпломади. Унинг сумкасидан 570 грамм миқдорда «марихуана» топиб олишгач, баттар ўзини йўқотди.

— Буни нима қиласизу, кимдан олдингиз? — деб сўрашди милиционерлар. Туменов жўяли гап айтолмади. Номаълум одамдан олгани-ю буни ўзи истеъмол этишини эътироф этди. Челак тумани суди ҳукми билан у озодликдан маҳрум этилди.

ИККИ ЙИЛЛИК ҲИЖРОН

Оқолтин туманлик Ғайрат Хуштановнинг қисмати ҳам Туменовникига жуда ўхшайди. Паспорт режимини текшириб юрган милиция ходимлари шубҳали кўринган йигитдан ҳужжатини кўрсатишини сўрашди. У ёнида ҳужжати йўқлигини айтиб кўзини олиб қочади. Ўртоғига гап қотиб, милиционерларни чалғитмоқчи бўлади. Аммо бунақа «шумтака»ларни кўраверіб кўзи пишган миршаблар йигитчанинг чўнтагидан 15 грамм атрофидаги «марихуана» топиб олишади. Ғайрат тергов чоғида наша ўзиники эканию уни Қўшработ туманининг Свердлов номли давлат хўжалиги даласидан олиб келганини айтди. Начора, қилмиш-қидирмиш дейдилар. Энди Ғайратни турмуш ўртоғи икки йил кутадиган бўлди.

Челак туман ҳалқ судида қурилган бу учала жиноий иш тафсилотини кимнингдир ярасини янгилаш учун ё кимгадир писанда қилиш ниятида эмас, балки одамлар, муҳтарам ота-оналар бундай ҳолат илойим сизнинг хонадонингизда бўлмасин, шунга интилинглар, деган ниятда ёздик.

М. ШЕРЙИГИТОВ,
Челак туман суди раиси.
Н. АЛИҚУЛОВ,
журналист.

ВАҚТ - ОТИЛГАН ЎҚ

Шу йил янги ўқув мавсумидан бошлаб 1-синфга борувчилар лотин ёзувини ўргана бошлайдилар. Бошқа синфларда шу тилдан факультатив дарслар ўтилади, деган гаплар юрибди. Булар яхши, албатта. Бироқ мазкур тадбирни кўнгилдагидек ўтказиш учун фикримизча, талай тайёргарлик ишларини амалга ошириш зарур бўлади. Айни пайтда пойтахтнинг Шайҳонтоҳур туманидаги мактаблар бошланғич синф ўқитувчилари бир ҳафталик малака ошириш курсларида ўқидилар. Лекин муаллимлар учун методик қўлланмалар, дарсликлар ҳали чоп этилганича йўқ. Гарчанд биз маълум тайёргарликдан ўтган бўлсак ҳам, аммо лотин ёзувини ўргатишнинг қайси жиҳатларига кўпроқ эътиборни қаратишни билмаймиз. Бизнингча, методик қўлланмалар, дарсликлар чоп этилгандан сўнггина тайёргарлик курслари ишласа мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳа, вақт отилган ўқ, ҳадемай янги ўқув йили ҳам етиб келади. Лекин лотин ёзувига ўтиш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари анча сust кетяпти. Агар ҳозирдан пухта тараддуд кўрилмаса эртага шошиб қолиниши турган гап. Ўйлаймизки, республика Халқ таълими вазирлиги ва жойлардаги бўлинмалар мулоҳазамизни тўғри тушуниб, бу соҳада ўзгариш ясашга ҳаракат қиладилар.

М. ҲАБИБУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳридаги 82-ўрта мактаб бошланғич таълим ўқитувчиси.

Шахмат

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР

Шу йилнинг февраль ойида машҳур шахматчи Анатолий Карпов Ҳиндистоннинг Сангинаҳор шаҳрида белорусслик гроссмейстер Борис Гельфанд билан учрашади. Шу ернинг ўзида унинг ватандоши Валерий Салов билан америкалик Гата Камский ўртасида ҳам иккинчи ярим финал ўйинлари бўлиб ўтади. Шундан сўнг шахматчилар жаҳон биринчилигига даъвогарлар баҳсида иштирок этишга тайёргарлик кўриш учун Канар оролидаги Лас-Пальмас шаҳрига жўнаб кетади.

Енгил атлетика

ЧОПАҒОННИНГ НИЯТИ

Бир вақтлар «Қирол Льюис» номи билан машҳур бўлган америкалик чопағон Карл Льюис 1996 йил Атлантада ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш нияти борлигини билдирди. Шуниси диққатга сазоворки, бу машҳур спортчи бир неча бор оғир жароҳатлар олиб халқаро мусобақаларда қатнаша олмай қолганди. Энди у машқларга зўр бермоқда. Унинг Америка енгил атлетикачилари терма командаси сафидан ўрин олишга ҳаракат қилишдан асосий мақсади илгариги шуҳратини тиклашдир. Зеро у бундан 12 йил аввал Лос-Анжелесда эришган муваффақиятини яна такрорламоқчи.

Буниси қизик

НАВБАТДАГИ ОЛИМПИАДА ҚАЕРДА БЎЛАДИ?

Ҳозирча бу саволнинг жавоби муаммо бўлиб турибди. Чунки навбатдаги Олимпиада ўйинларини ўтказиш учун жаҳондаги кўпгина шаҳарлар даъвогарлик қилмоқда. Нуфузи жиҳатидан Японияда учинчи ўринни эгаллайдиган Осака шаҳри 2008 йилдаги Олимпиада ўйинларини ўтказишга даъвогар шаҳарлар қаторидан ўрин олишга ҳаракат қилаётгани бежиз эмас. Бу мамлакатда йирик мусобақаларни ўтказиш борасида маълум тажриба тўпланган. Чунки 1964 йил Японияда ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган эди.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-74-76; Қаршида -- 3-25-79; Урганчда -- 6-51-35;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24; Фарғонада -- 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00. Г -- 0004, 43324 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир А. МАННОПОВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

топширилди 01.00

А 2 3 4 5 6.